

## **“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ**

**Хайрулаев Икром Илёсжон ўғли**

*[ikromxayrullayev08@gmail.com](mailto:ikromxayrullayev08@gmail.com)*

**Аннотация:** Стратегия ўз ичига барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш, аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш, халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш, мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш каби асосий ғояларни ўз ичига олган. Стратегияда белгиланган устувор йўналишлар, чора-тадбирлари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** “Ўзбекистон—2030” стратегияси, Янги таҳрирдаги Конституция чора-тадбирлар, демократик ислоҳотлар, устувор йўналишлар.

Янгиланаётган Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиш босқичидаги барча кўрсаткичларнинг асосий омили инсон ва унинг манфаатлари ҳисобланади. Инсон хуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитни яратиш, адолатли хуқуқий давлатни қарор топтириш мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг бош мезонидир. Бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотларнинг марказида – ҳалқа хизмат қилиш, аҳолини рози қилиш, уларнинг дарди билан яшаш, муаммоларини ҳал этиш устувор масалага айланган. Зоро бугун “маҳаллага тушиш”, “халқ ичига кириш”, “унинг дардига қулоқ солиш”, “ташвишига шерик бўлиш”, “муаммоларни жойида ҳал этиш” каби тамойиллар барча давлат органлари фаолиятида асосий мезонга айланиб улгурди.

Аввало, айтиш керакки, сўнгги йилларда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида халқимизнинг оғирини енгил қилиш, хуқук ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланди.

Айниқса, янги таҳтиридаги Конституциямизнинг ҳаётга татбиқ этилиши Янги Ўзбекистон тарихида янги даврни бошлаб берди. Ўз навбатида, “Ўзбекистон—2030” стратегияси ҳам янгиланган Конституцияда белгиланган нормаларни амалиётга йўналтириш орқали инсон қадрини улуғлашга хизмат қиласиган хужжатдир, десак муболага бўлмайди.

“Ўзбекистон—2030” стратегияси ва уни 2023 йилда амалга ошириш чоратадбирлари лойиҳалари 2023 йилнинг 31 июлидан бошлаб regulation.gov.uz ва 2030.strategy.uz порталларида кенг жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди. Фуқароларимизнинг муҳокамаларда фаол иштирок этганликлари жуда қувонарлидир.

2023 йил 11 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Стратегияда 5 устувор йўналиш бўйича 100 та муҳим мақсад ўз аксини топган.

Таъкидлаш жоизки, стратегия ўз ичига барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш, ахоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, ахоли учун қулай экологик шароитларни яратиш, халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш, мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш каби асосий фояларни ўз ичига олган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси келгуси етти йилда иқтисодиёт, ижтимоий фаровонлик, сиёsat ва хавфсизлик соҳаларида кўп қиррали ислоҳотларни режалаштиришнинг асосий платформасига айланди. Унда жамиятда интеллектуал

ресурсларни бирлаштириш, соҳавий ва тармоқ режа ва дастурларини мувофиқлаштириш, халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликни тақозо этувчи улкан мақсадлар қўйилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, очиқлик ва ошкоралик тамойилларининг таъсирчан шаклларини жорий этиш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича самарали ишлар йўлга қўйилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, стратегияни ишлаб чиқиша янги таҳрирдаги Конституциямиз асос вазифасини бажарди. Айнан янги таҳрирдаги Конституцияда давлат органлари фаолиятининг асосий мезони бу – инсон ҳукуқлари, инсон эркинликлари экани кўрсатилган.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. <https://uzbekistan2030.uz/uz/presidentDiscussion>
2. <https://yuz.uz/news/ozbekiston--2030-strategiyasi-real-imkoniyatlar-aks-etadigan-dasturiy-hujjat-bolishi-kerak>
3. <https://strategy.uz/index.php?news=1815>
4. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>